

ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ

Рахмонов Расул Неъматович

Тошкент шаҳридаги Вебстер университети ижрочи директори

rasulrakhmonov@webster.edu

АННОТАЦИЯ

Уибу ишида хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиши борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилага инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиласиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари кўрилган. иқтисодий ривожланиши бошқа давлатларга қарагандা тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёning барча ўлкаларида тарқалган, Хитой Халқ республикаси тажрибалари, қанчадан қанча иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган лекин ҳали бу тажрибалардан тўлиқ фойдаланиши масаласига келганда намоён бўлмаётган Хитойнинг инвестицияларни жалб қилиши борасидаги ютуқлари ва бунинг омилларини таҳлил қилинган. Хитой давлати мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш муаммосини ҳал этиши йўллари, Хитой жаҳон ҳамжасимияти олдида ўзининг нуфузини ва обрўсини кўтариши бўйича олиб борилган тизимли ишлари ўрганилган. Шу билан бирга тажрибаларни ўрганиши асносида Хитой ва Сингапур давлатларининг хорижий инвестицияларни жалб қилишида инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиши, улардан фойдаланиши келажакда мамлакатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайшини таъминлашга хизмат қилиши мумкинлиги тавсия қилинган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий тажриба, ялти ички маҳсуулот, глобал рақобатбардошлиқ индекси, барқарорлик.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN INCREASING THE INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF THE REGIONS

ABSTRACT

In this paper, various forms of innovative instruments have been observed that serve to ensure the attractiveness of the investment environment in developed

countries from year to year in terms of the volume of foreign investment, its quality and the use of favorable conditions. economic development is growing faster than in other countries, goods and services are spreading to all countries of the world, the experience of the People's Republic of China, studied by many economists but not yet demonstrated when it comes to fully exploiting this experience, and China's achievements in terms of investment attractiveness and its factors. The ways of solving the task of further increasing the investment attractiveness of the country by the Chinese state, the systematic work carried out by China to increase its influence and reputation before the world community are being studied. At the same time, in the course of studying the experience, it was recommended to implement the experience of China and Singapore in terms of increasing the attractiveness of the investment environment when attracting foreign investment in the conditions of Uzbekistan, and their use in the future can serve to ensure the country's development at a faster pace and increase the source of income for the population.

Keywords: investments, foreign experience, gross domestic product, global competitiveness index, stability.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилага инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиласидиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда. Шулар қаторида, иқтисодий ривожланиши бошқа давлатларга қараганда тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёнинг барча ўлкаларида тарқалган, Хитой Халқ республикаси тажрибалари, қанчадан қанча иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган лекин ҳали бу тажрибалардан тўлиқ фойдаланиш масаласига келганда намоён бўлмаётган Хитойнинг инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ютуқлари ва бунинг омилларини кўриб чиқамиз.

Хитойнинг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири – инвесторлар учун зарур бўладиган, худудларнинг имкониятлари ва салоҳиятларини намоён этадиган маълумотлар базасини (паспортни) ишлаб чиқсанлиги ва арzon ишчи кучига эгалиги билан белгиланади. Ушбу база интернетресурс сифатида очиб қўйилганлиги, Хитой корхоналари учун хорижий инвестицияларнинг оқиб келишини ва бизнес ҳамкорликнинг кучайишини таъминлади. Бугунги кунда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқенини ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда

ошишини таъминлашга хизмат қилган омил ҳам, айнан унинг очиқлиги, соғлом имижи ва инвестицион жозибадорлигидир. Аммо, бугунги кун эксперталарининг фикрларига кўра, Хитойнинг очиқлиги, жаҳон ҳамжамиятига юқори суръатларда интеграция бўлиб, бораётганини мамлакат фуқаролари ва чет эл жамоатчилиги салбий ҳолат сифатида ҳар хил қабул қилишмоқда. Буларнинг ҳаммаси замонавий Хитой тўғрисида, у ерда амалга оширилаётган жараёнларни англамасдан туриб чиқарилаётган хulosалардир десак, тўғри бўлади. Зоро, Хитой раҳбарияти томонидан қуйидаги жиҳатларга онгли тарзда алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- ташқи дунё билан Хитойнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатиш;
- тадбиркорлар билан давлатнинг бирдамлиги ва ишончли шерикчилигини таъминлаш;
- жаҳон ҳамжамияти тасаввурида Хитойнинг ишончли ҳамкор имижини ҳосил қилиш;
- ишлиб чиқаришнинг юқори маҳсулдорлиги билан ривожланиш эмас, балки тараққиётнинг инновацион асосда қурилишини таъминлаш ва бошқалар¹.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА. Айнан шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, 2004 йилдан Хитой давлати мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш муаммосини ҳал этиш билан фаол шуғулана бошлади. Олдинги ўн йилда Хитой жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг нуфузини ва обрўсини кўтариш бўйича кўплаб тизимли тадбирларни амалга оширеди. У бир қанча ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар: ОТҲТ-Осиё-Тинч океани Ҳамкорлик Ташкилоти, ШҲТ-Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича хитой-араб, хитой-африка ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда². Хитой давлати Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) аъзо бўлиши билан кўплаб соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширеди. Хусусан, қуйидаги муҳим йўналишларда: турли хилдаги тарифларни пасайтириш; иқтисодиётнинг етакчи соҳалари, хусусан хизматлар: телекоммуникация, суғурта, банк, савдо, логистика соҳаларига йўналтириладиган инвестицияларга тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни келтириш мумкин. Ушбу яратилган имконият ва шароитлар туфайли нафақат трансмиллий компаниялар, балки кичик ва ўрта ҳажмдаги хорижий компанияларнинг Хитой давлатига

¹ .Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент: Baktria press, 2017.-320 б

² Вахабов А.В., Таджибаева Да.А., حاجيбакиев ش.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. -Т.: Baktria press, 2015. -584 б.

инвестиция киритиш билан боғлиқ фаоллиги янада ошди. Шулар туфайли Хитойга киритилган ТТХИ ҳажмининг ошиши йилдан-йилга ўсиб борди. ЖСТ аъзо бўлиши натижасида 2006 йилдан хорижий банк муассасалари учун географик ва операцион чекловлар олиб ташланди. Бунинг оқибатида хорижий банкларнинг шуъба муассасалари ташкил этилди ва улар томонидан Хитойнинг исталган ҳудудида резидентлар учун юанда операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиблар ўрнатилди.


Тақдим этилган имкониятлардан Англия банки-Стандарт Чартетеред Банк биринчилардан бўлиб фойдаланди ҳамда бошқа бир қатор банкларнинг: Citigroup (АҚШ), HSBCN (Англия), ABN AMRO (Нидерландия), Bank of east Asia (Гонконг) ва Hang Seng Bank (Гонконг) банкларининг кириб келишини таъминлади. 2008-2012 йилларда бошланган жаҳон молиявийиқтисоий инқирози даврида Хитой давлати хорижий инвестицияларнинг кириб келишини пасайтирмаслик мақсадида “яшил йўлак” тизимини амалга оширди. Ушбу тизимдан хорижий капиталага эга бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш масалалари ўрин олган бўлиб, бу, ўз навбатида, инвесторлар учун “химоя ёстиғи” вазивасини ўтади. Амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий-маъмурий ва сиёсий-ташкилий чора-тадбирлар сабаб Хитой кейинги беш йилда энг йирик савдо-сотиқни амалга ошираётган ҳукмрон давлатлардан бирига айланди¹. UNCTAD томонидан эълон қилиб келинаётган ҳисоботларда ХХР капиталнинг импорти ва экспорти бўйича лидер мамлакат сифатида рейтингда кучли иккилиқдан жой олиб келмоқда. Инқироздан олдинги даврларда (2005-2007) Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар импорти ўртача 76,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу жаҳондаги умумий қўрсаткичнинг (ТТХИ импортининг) 5,4 фоизига тўғри келган. 2019 йилга келиб эса Хитой 141 млрд.доллар ТТХИ ўзлаштириди².

Келтирилган 1-расмдан биз кўришимиз мумкинки, жамғарилган ТТХИлар, 2018-2019 йиллар учун 20 та энг юқори рейтингга эга бўлган мамлакатлар орасида 5-ўринни Сингапур давлати эгалаган бўлиб, 2019 йилда 92 млрд. доллар ҳисобида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қабул қилган. Бу ютуқларга эришишининг асосий омилини қўйидаги изоҳлашимиз мумкин: Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган “иқтисодий мўъжизаси” билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага

¹ Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент:Baktria press, 2017.-320 б.

² UNCTAD,FDI/MNEdatabase(https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_en.pdf)

бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги. Айнан ушбу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошиди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккиланмасдан капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда. Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини акс этувчи макроиктисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин. Жаҳон банкининг (ЖБ) классификациясига кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради¹. Инвестицион иқлимга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткмчлардан биттаси – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик шунчалик даражада юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2019 йилга келиб эса 0,4 фоизни ташкил этди².



1-расм. ТТХИларни қабул қилувчи 20 та мамлакатларнинг рейтиги,
World Investment Report, 2020

¹ Lee, K.Y. From Third World to First: The Singapore Story 1965-2000. Singapore: Singapore Press Holdings, 2000/

² Trading Economics.com / World Bank

Давлатнинг инвестицион мухит жозибадорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тарқалган усуллардан бири бу – Doing Business индекси; Глобал рақобатбардошлиқ индексидир. Жаҳон банки гурӯҳи ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилиниб келинаётган Doing Business индексида Сингапур 190 мамлакат орасида 2019 йилда 2 ўринни қайд этди. 2008 йилдан 2014 йилга қадар Сингапур бу индекисда 1 ўринни эгалаб келган бўлса, 11 йил мобайнида Сингапур ўртacha 1,45 ўриндан паст кўрсаткични қайд этмади¹. Олиб борилган изланишлар ва ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Сингапурда бизнесни очиш ва уни юритиш бўйича яратилган шароитлар ва юқори натижага эришишда давлат сиёсий тизимининг барқарорлиги, самарали иқтисодий сиёsat, юқори инвестицион имкониятнинг мавжудлиги ва инфраструктуранинг ривожланганлиги таъсир кўрсатган. Глобал рақобатбардошлиқ индекси 141 та мамлакат бўйича қуйида берилган соҳалар юзасидан 0 дан 100 баллгача баҳоланиб, унинг ўртаси чиқарилади. Булар қуйидагилар: институтларнинг сифати, инфраструктура, макроиктисодий барқарорлик, соғлиқни саклаш ва бошланғич таълим, олий таълим ва қайта тайёрлаш, товар ва хизматлар бозорларининг самарадорлиги, меҳнат бозорининг самарадорлиги, молия бозорларининг ривожланганлиги, технологик тараққиёт даражаси, ички бозор кўлами, компанияларнинг рақобатбардошлиги, инновацион салоҳият билан боғлиқ кўрсаткичлардан иборатdir.

Юқорида қайд этилган тажрибаларни ўрганиш асносида аниқ бўлдики, Хитой ва Сингапур давлатларининг хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион мухит жозибадорлигини ошириш борасидаги тажрибаларини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда мамлакатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади. Жумладан, ушбу давлатлар каби Ўзбекистонни ҳам халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиши, жаҳон мамлакатларининг инвестицион жозибадорлигини кўрсатадиган рейтингларнинг барчасида хусусан, “Глобал рақобатбардошлиқ индекси”, “Глобал инновацион индекс” ва “Бизнес мухити ҳафи индекси”ларида иштирокини таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш келажакда инвесторларнинг инвестицияларни киритиш бўйича қарорларига ижобий таъсир кўрсатади. Сабаби, хорижий инвестор бирор бир давлатга инвестиция киритишдан олдин, ўша мамлакатнинг инвестицион мухити ҳақида ишончли маълумотга эҳтиёж сезади. Албатта, энг

¹ <https://www.doingbusiness.org/en/doingbusiness>

ишончли манбалардан бири бу халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан юритиладиган индекслар ҳисобланади. Бу индекслардан инвесторлар ўзларига керакли ва ишончли маълумотларни қўлга киритишлари мумкин.

Шундай экан, юқорида номи келтирилган индексларда Ўзбекистонни иштирокини таъминлаш, Ўзбекистоннинг инвестицион муҳитини хорижий инвесторларга намоён қилишда ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, Хитой ва Сингапур давлатлари инвестицион муҳити жозибадорлигини оширишга имкон берган навбатдаги омил бу мамлакат ҳудудлари тўғрисидаги инвесторларга керакли маълумотларни инвестиция қабул қиласидан давланинг маъсул ташкилотлари томонидан расмий сайтда Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг (вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича “Йиллик статистик харита” эълон қилиб боришини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу харитадан қўйидаги кўрсаткичлар жой олиши мақбул ҳисобланади:

- ҳудуднинг ривожланиш салоҳияти;
- солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисмлари;
- ҳудуднинг табиий-географик ва инфраструктура салоҳияти;
- инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги;
- фуқаролик индекси.

Бунда аҳолининг ижтимоий фаоллиги, бошқарув самарадорлиги, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий маълумотларга эга бўлишлик, уларнинг очиқлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли билан яқинлиги ва ҳамкорлиги билан боғлиқ бўлган таркибий кўрсаткичлар қамраб олинади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда қўйида икки таклиф этилаётган тадбирни ҳам Ўзбекистон инвестицион муҳити жозибадорлигини оширишга кўмак бўладиган омил сифатида амалиётга татбиқ қилиниши ўз ижобий самарасини кўрсатади: Давлат бюджети харажатлари ва киритилаётган инвестицияларни онлайн тарзда кузатиш имконини берадиган платформа яратиш лозим; Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғуланадиган расмий муассасалар томонидан инвесторларга бюрократик тўсиқларни юзага келишини олдини олиш ва ушбу муассасалар фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг мурожаатлари учун барча муассасаларни жамулжам қилган платформа яратиш керак. Бунда, инвестор қайси муассасага мурожаат қилишидан қатъий назар, ушбу мурожат тўғрисида қолган муассасалар боҳбар бўлиб туриш имконини

беради ва бу бюрократия ва коррупцияни олдини олиш имконини беради. Бозор ислоҳотларининг навбатдаги босқичида мамлакатимизга хорижий инвестияларни жалб этишни такомиллаштириш масалаларини ҳал қилиш, хорижий сармоясими жалб қилиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари асосий вазифалардан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистонга хорижий инвестицияларнинг инвестицион маблағларини жалб этиш бўйича бир қатор масала ва муаммоларнинг ҳалигача очик қолаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Иқтисодиётга хорижий инвестиацияларни жалб этишда давом этиб келаётган паст кўрсаткичнинг сабабларини аниқлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Ўзбекистонда ишлаш тажрибасига эга хорижий сармоядорлар, бизнесменлар ва молия ташкилотларининг эксперtlари ўртасида сўровнома ўтказган. Улар Ўзбекистонга сармоя оқимини тўхтатиб қўяётган қатор омил ва шароитларнинг баъзилари сифатида қўйидагиларни санаб ўтишган:

- банк-кредит тизимининг такомиллашмагани;

- сармоядорлар ҳуқуқларининг заиф ҳимояси ва етарли даражада самарали бўлмаган суд тизими;

- маъмурий-бюрократик тўсиқлар (кўплаб хорижий компаниялар ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат олиш тартиб-коидаларидан норози);

- паст инвестиция рейтинги¹.

COVID-19 пандемияси туфайли ҳудудларда ТТХИлар тенденциясида пасайиш кузатилган, жумладан, Африкада ТТХИларни кескин пасайиб, ҳудуднинг инвестиция профилининг товар мойиллиги туфайли пасайиш нефт ва товарларнинг паст нархлари туфайли янада кучайиши мумкин. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ва бир қатор инвестицияларга хос омилларга асосланиб, ТТХИларнинг 25-40 фоизга камайиб, 25-35 миллиард долларга тушиши прогноз қилинган. COVID-19 пандемияси инқирози туфайли Осиёдаги ТТХИларда ҳажмида пасайиши кутилмоқда. Карантин чоралари ва ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши оқибатида минтақа биринчи бўлиб автомобилсозлик, електроника ва кийим-кечак саноати каби тармоқларда

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисидаги нутқи (Тошкент шахри, 27-май 2017 й.). <http://www.mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/>

таъминот занжирининг катта узилишларига олиб келган. Осиёда ТТХИ 30-45% га пасайиши прогноз қилинга¹ (World Investment Report, 2020.).

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар бир мамлакатни рейтинг баҳоси ва халқаро экспертларни эмпирик маълумотлар бўйича тадқиқотларига асосланган холда инвестицион мухитни миқдорий жиҳатдан аниқлашга қўплаб уринишлари бўлган.

Дунёдаги етакчи иқтисодий журналлар (Euromoney, Fortune, The Economist) шунингдек, эксперт агентликларни (Moody's, Standart & Poor, IBCA) инвестицион мухит ва рисклар рейтинги кенг тарқалган. АҚШда турли омилларни, шу жумладан, сиёсий интилишлар, экологик ҳаракатни ҳолати ва бошқаларни ҳисобга олинган холда уни базасида барча штатлар бўйича “Йиллик статистик карта” қайсики, инвестицион мухитни умумлашган 4 та кўрсаткичларни (инвестицияларни иқтисодий самарадорлиги, ишбилармонлик мухити, худудларни ривожланиш потенциали ва солиқ сиёсатини асосий таркибий қисми) нашр этиб борилади².

1-жадвал

Ривожланган мамлакатларда инвесторлар учун инвестицион мухит ва жозибадорликни ифодаловчи рейтинг³

Рейтинг	Рейтинг тузувчи ташкилот	Баҳоланадиган параметрлар	Маълумотлар базаси
Бизнес юритиши	Жаҳон банки	Бизнес юритишини ҳуқуқий мухити	Статистик, ҳуқуқий маълумотлар, эксперт сўровлари
Глобал рақобат бардошлиқ индекси	Жаҳон иқтисодий форуми	Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий параметрлари	Компания раҳбарларининг статистик маълумот ва сўровлари
Мамлакатнинг қобилиятсизлик индекси	Дунё учун фонди	Мамлакатдаги фуқаролар ва компаниялар учун мавжуд риск даражаси	Маълумотлар тўплаш ва таҳлил этишнинг ички тизими

¹ World Investment Report (2020). https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_overview_ru.pdf.

² Авраменко Ю.Л. (1995). Совместное предпринимательство в стратегии транснациональных корпораций в США: экономика, политика, идеология. М. 46 с. / Yu.L. Avramenko (1995). Joint entrepreneurship in the strategy of transnational corporations in the United States: economics, politics, ideology. М. 46 р.

³ <http://www.doingbusiness.org>; <http://www.weforum.org>; <http://ffp.statesindex.org>.

Шунингдек, россиялик ва хорижлик олимлар томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган инвестицион рейтинги Германия концепциясига асосланган бўлиб, инвестицион мухитни сифат ва миқдорий баҳолашда 4 та асосий группадан иборат 20 мухим мезонлар ётади¹:

- ижтимоий барқарорлик омиллари (сиёсий, давлат, давлатлараро, ҳуқуқий ва ижтимоий);
- иқтисодиётни ўзгартириш даражаси (баҳоларни либерализалашуви, мулкни хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши, аграр ислоҳатлар, бозор инфратузилмасини шаклланиши);
- хўжалик конъюнктураси ҳолати (иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция, савдо–тўлов баланси ва бошқалар);

Бугунги кунда мамлакатлар инвестицион мухитини бу ёки у жиҳатларини баҳолашда бир қанча халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, мамлакат инвестицион жозибадорлиги рейтингини комплекс баҳолашга, қайсики хорижий инвесторлар фаолияти учун шароитларни такомиллаштириш ва мамлакат инвестицион жозибадорлигига оид солиштирма таҳлил илмий тадқиқотлар воситаси ҳисобланишига эҳтиёжлар мавжуд.

Мамлакатларнинг инвестицион мухитини ва жозибадорлигини ифодаловчи халқаро ташкилотларнинг рейтинглари мавжуд (1-жадвал).

Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорликни, ушбу йўналишларда белгиланган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услугубий ва консультатив ёрдам кўрсатишни таъминлаш мухим ҳисобланади. Бунда энг мухим бўлиб қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- корпоратив шаффоффликни ошириш орқали барча турдаги инвесторлар ҳимоясини кучайтириш;
- солиқ солишини соддалаштириш ва солиқ ҳисботлари ва тўловлар миқдорини камайтириш;
- ташқи савдо фаолияти бўйича хужжатларга талабларни енгиллаштириш.

Бизнинг фикримизча, инвестиция иқлими барқарорлигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, инвестиция рисклари суғуфтасини ёки ҳимояси тизимини кенг ривожлантириш, меъёрий-хукуқий хужжатларни тўла маънода амал қилишишига эришиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, инвестиция иқлими

¹ Борисова К. (2001). Поиски критериев благоприятного инвестиционного климата// Мировая экономика и международные отношения. № 1. С.125-127. / Borisova K. (2001). The search for criteria for a favorable investment climate // World Economy and International Relations. № 1. Pp. 125-127.

барқарорлигини, фикримизча, давлатнинг хорижий инвестицияларга бўлган сиёсий муносабати, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси, давлат аппарати бошқармасининг ишлаш самараси, давлатнинг сиёсий барқарорлиги, иқтисодиётнинг умумий ҳолати (ўсиши ёки инқироз), инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, солиқ ва божхона имтиёзлари, ишчи кучларининг қиймати ва меҳнат ресурсларини ишлатилиш тартиби, аниқ товар ва хизмат турларига бўлган талаб ва таклифнинг мавжудлиги, кредит баҳоси, қолаверса жамият аъзоларининг хорижий капитал ва хусусий мулкчиликни шаклланишига бўлган муносабати, жамиятнинг идеологик билимлари даражаси, ишчи кучларининг ташкилотчилик ва тадбиркорлик қобилияти каби омилларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш асосида таъминлаш мумкин.

Ўзбекистонда ва худудларда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун кенг ҳаракат қилинмоқда, бу борада хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Шунинг билан биргалиқда қуидаги тадбирлар, бизнинг фикримизча, инвестиция иқлимини янада яхшилаш имкониятини беради:

- сўмнинг қадрини қўтариш;
- мулк даҳлсизлигини таъминлаш, инвесторлар ҳақ ҳуқуқини ҳимоялашни янада ошириш, банк фоизи ставкаларини барқарорлаштириш;
- ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини илмий асосланган ҳолда тақомиллаштириш;
- маъмурий буйруқбозлик ҳолатларига чек қўйиш;

Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятларининг акцияси нуфузини ва унинг ликвидлигини ошириш, хорижий инвесторларни уларга жалб эта билиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш.

ХУЛОСА. Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида мамлакатнинг инвестицион муҳитни соғломлаштириш борасида қабул қилган қонунлари, ишлаб чиқсан қарорларини ўрганиш, инвестициялари кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиқсан усул ва услубларининг керакли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, тўпланган тажрибаларни мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этилиши, таваккалчиликни пасайтиришга, мавхумликни олди олинишига, юқори самарадорликнинг таъмин этилишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент:Baktria press, 2017.-320 б
2. Ваҳабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар: дарслик. -Т.: Baktria press, 2015. -584 б.
3. UNCTAD,FDI/MNEdatabase(https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2020_en.pdf)
4. Lee, K.Y. From Third World to First: The Singapore Story 1965-2000. Sinpapore: Singapore Press Holdings, 2000/
5. Trading Economics.com / World Bank
6. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисидаги нутқи (Тошкент шаҳри, 27-май 2017 й.). <http://www.mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/>
7. World Investment Report (2020). https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_overview_ru.pdf.
8. Авраменко Ю.Л. (1995). Совместное предпринимательство в стратегии транснациональных корпораций в США: экономика, политика, идеология. М. 46 с.
9. Борисова К. (2001). Поиски критериев благоприятного инвестиционного климата// Мировая экономика и международные отношения. № 1. С.125-127.
- 10.<https://www.doingbusiness.org/en/doingbusiness>
- 11.<http://www.weforum.org>;
- 12.<http://ffp.statesindex.org>.